

Китоб қандай асралади?

Бугунга келиб, китобга бўлган муносабатимиз бир-мунча ўзгарди. Бунга биринчи навбатда кундалик ҳаётимизнинг компьютер, интернет тармоғи билан боғлиқлиги сабабдир. Эндиликда катта ҳажмдаги китобларни кичик экранчаларда, ҳатто мобиль телефонларимизда ҳам ўқиш имконияти мавжуд. Аммо бу каби имкониятлар китоблар аҳамиятини заррача туширмаслиги керак. Чунки китобдан олган завқни бошқа ҳеч нарса беролмайди.

Биламизки, қадимдан кўплаб ўзбек хонадонларида катта-катта китоб жавонлари бўлган. Уларнинг айримларида мавжуд қадимий ноёб китоблар ҳозир ҳам сақланмоқда. Бундай китоблар

Қуёшдан тушаётган ультарабинафша нурлар ҳам китобнинг қуришига, сарғайишига, муқоваларнинг хиралашишига олиб келади. Шундай экан ёруғлик тушишини ҳам назоратдан четда

Китобий суҳбат

Нақл қилишларича, қадим замонларда бир саводли, ўқимишли уста бадавлатроқ киши меҳмонхонасини ганч билан безаб беради. Кунлардан бир кун тушки нонушадан сўнг уста билан мезбон анча вақт ҳамсуҳбат бўлиб қолишади. Улар ҳар хил мавзуларда гаплашишади. Суҳбат сўнггида гап китоб ҳақида боради. Мезбон уйининг токчалари ноёб китобларга тўла эди. Уста мезбонга: — “Бу дейман, китобларингиз хор бўлиб қолибди”, — деб токчага боқади. Мезбон: “Нега мени китоб ўқимайдиганга чиқардингиз?” — деб устага қарайди. “Тақсир, хафа бўлмангу, гапларингиз китобий эмас-да” деб жавоб беради уста.

“Уста усталар ҳақида дилкаш қиссалар” китобидан

авлодлар учун қимматли меҳорас бўлиб хизмат қилади.

Китоб асосан табиий хомашёлар (тери, ёғоч, дарахт пўсти, мато)га қайта ишлов бериб тайёрланади. Вақт ўтгани сари мазкур буюмлар табиатнинг ташқи таъсири ва ички ўзгаришлар сабабли ҳолатини йўқота бошлайди.

Шундай экан биз учун қадрдон китобларни қандай асрашимиз лозим? Бу савол билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси умумий фондларни сақлаш хизмати раҳбари Матлуба Мирхожаевага муурожаат қилдик:

— Китоблар қулай физикавий-биологик муҳитда сақланади, уларга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар — чанг, намлик, иссиқлик ва қуёш нури. Кутубхонадаги ҳаво ҳарорати 18 даража, нисбий намлик 55 фоизни ташкил қилиши, агар китоб жавонингизда фрагмент ва теридан ишланган китоблар бўлса, нисбий намлик 60 фоиздан ошмаслиги лозим. Белгиланган тартибдаги қулайликлар бўлмаса китобларда кимёвий ўзгаришлар фаоллашиб, китобнинг эскириш жараёни тезлашади. Ҳаводаги намлик ортганда бактериялар ривожланиб, саҳифалар моғор ва замбуруғлар пайдо бўлишига, аксинча, намликнинг камайиши, елимларининг қуриб, сочилиб кетишига олиб келади. Ҳаво ҳароратини ўлчаш учун термогигрометр асбоби ишлатилади.

қолдирмаслик муҳим. Жавондаги китоблар учун нурланиш 75 луксдан, кўрғазмадагилари учун эса 150 луксдан ошмаслиги шарт. Бунда ёруғлик ўлчовчи асбоб — луксометрдан фойдаланамиз. Ҳозирги кунда техника жадал ривожлангани боис кутубхоналар учун ҳам махсус ультарабинафша нурларидан ҳимояловчи, иссиқлик ютувчи филтёрли лампалар ва оптик толали ёритиш тизимлари ишлаб чиқилган. Лампалар ўрнатилганда шифт билан жавоннинг оралиғи 50 см.ни ташкил қилади.

Бундан ташқари, хонани чанглардан тозалаб, озода тутиш ҳам китобларнинг узок муддат сақланишини таъминлайди. Чунки ҳаводаги турли микроорганизмлар чанглар орқали ривожланиб, китобларни емириб боради.

Китобларни жойлаштириганда жавонларнинг текислиги алоҳида аҳамиятга эга. Уларни жавонга тахлаганимизда вертикал ҳолда жойлаган маъқул, бундан ташқари ҳажмини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Китобларни 180 градусда очиб, ўз ҳажмидан кичик бўлмаган қаттиқ жойда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мутолаа вақтида бармоқларингизни намламанг. Белги сифатида хатчўплардан фойдаланинг.

Юқоридаги тавсияларга амал қилиш китобларни келгуси авлодларга сифатли ва кўркам етказиш имконини беради.

Моҳиба МИРСОАТОВА